

РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Холматов Бахтиёр Абдумуталович

Фаргона давлат университети

Молия кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада, тежамкорлик қонуни, унинг меҳнат жараёнидан кенгроқ доирани қамраб олиши ва инсон меҳнати сингмаган, ҳали инсон қўли етмаган табиий бойликлар, иқтисодий ресурсларни тежаш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларни ҳам ўз ичига олиши ҳамда вақтни тежаш қонуни иқтисодиёт назариясида атрофлича ўрганилган бўлса, тежамкорлик қонунининг мавжудлигини барча иқтисодчилар ҳам тан олмасликлари таҳлил қилинган. Ҳозирги даврда жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти учун ишчи кучи, моддий ва пул ресурсларининг ҳар томонлама тежамкорлиги хос бўлиб, у самарадорликни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Калит сўзлар. Тежамкорлик, тежамкорлик қонуни, ресурслар тежамкорлиги, Вақтни тежаш қонуни, сарфланган меҳнат миқдори, моддий ёки маънавий неъматлар, меҳнат миқдори.

I. КИРИШ

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. Хусусан, кишиларнинг яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа ҳаётий воситаларга эҳтиёжларни қондириш ўтган барча ижтимоий-иқтисодий тизимлардаги сингари ҳозирда ҳам, келажакда ҳам долзарб масала сифатида қолиши шубҳасиздир.

Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш даражасини баҳолашда, энг аввало, унинг амал қилиш тамойилларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тежамкорлик тушунчасининг серқирралиги ҳамда турлича маъно касб этиши мазкур жараённинг амал қилиши тўғрисида кенгроқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Шунга кўра, ушбу тамойилларни белгилашда тежамкорликка жамиятдаги умумиқтисодий жараён сифатида ёндашилади.

Бозор иқтисодиёти қоидалари асосида замонавий ривожланган мамлакатлар хўжалик юритиш усули эса бундай ўсишни инкор этади. Чунки бозор усули, энг аввало, талаб ва таклиф, рақобат механизмлари, нархнинг эркин шаклланиши, фойдани максималлаштириш қоидаларига асосланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ ижтимоий ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар истеъмоли жараёнини ташкил этиш усуллари ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш долзарб вазифага айланди. Айниқса, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланмоқда.

II. МЕТОДОЛОГИЯ

Бозор иқтисодиёти қоидалари асосида замонавий ривожланган мамлакатлар хўжалик юритиш усули эса бундай ўсишни инкор этади. Чунки

бозор усули, энг аввало, талаб ва таклиф, рақобат механизмлари, нархнинг эркин шаклланиши, фойдани максималлаштириш қоидаларига асосланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ ижтимоий ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар истеъмоли жараёнини ташкил этиш усуллари ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш долзарб вазифага айланди. Айниқса, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланмоқда.

Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш даражасини баҳолаш усуллари иқтисодий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув усуллари билан фойдаланилди.

III. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Тежамкорлик тушунчасининг айрим жиҳатлари жаҳон иқтисодий фани намояндаларининг бу хусусдаги қарашлари ва ёндашувларида ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ҳозирги кунда кўплаб олимлар томонидан иқтисодий фан асосчиларидан деб тан олина бошлаган Шарқ мутафаккири Ибн Холдун Абдурахмон Абу Зайд (1332-1405 й.) ўзининг “Китоб-ул-ибар” номли асарида шундай дейди: “Харажатларинг даромадларингдан ҳеч қачон ошиб кетмасин”. Бу билан у ҳар қандай иқтисодий фаолият негизида тежамкорлик ётишига ишора қилади. Шунингдек, у хунармандчилик, фан ва санъатнинг ривожини бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ, деб кўрсатади. Ибн Холдун тежамкорликнинг мазмунини товар ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотга сарфланадиган меҳнатнинг қисқариши орқали тушунтириб беради. У “оддий” ва “мураккаб” меҳнатни фарқлаб, меҳнат унумдорлигини ўстиришда ва, демакки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақтнинг тежалишида мураккаб меҳнатнинг аҳамиятини исботлаб беради [1].

Шунингдек, Ибн Холдун ўзининг “Кириш” номли асарида табиий-географик муҳит (ер, сув, иқлим, тупроқ унумдорлиги, рельеф)ни ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этадиган омил сифатида баҳолайди, бироқ бош омил сифатида кишиларнинг меҳнат тақсимоти асосида уюштирилган иқтисодий фаолиятини кўрсатади. Унинг фикрича, одамларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиб ишлашига уларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш зарурати сабаб бўлади. Зеро, ўсиб боровчи эҳтиёжларни ажралган, яъни яқка ҳолда меҳнат қилиш билан қондириб бўлмайди.

Ибн Холдун одамларнинг биргалашиб, меҳнат тақсимоти асосида ишлашлари юқори меҳнат унумдорлигига олиб келишини ва бундай хўжалик

юритиш шакли кўшимча маҳсулот яратилишига моддий замин яратишини асослаб берди [2].

Ибн Холдуннинг фикрларига уйғун равишда классик иқтисодчилар тежамкорликни, айниқса, меҳнатни тежашни қийматнинг меҳнат назарияси орқали тушунтирадилар.

Масалан, А.Смит жамият аъзолари томонидан тежамкорликка амал қилиниши жараёнларини қуйидаги мисол орқали ифодалайди (1-жадвал):

1-жадвал

Жамият аъзолари меҳнати натижаларини айирбошлаш орқали тежамкорликка эришиш

Меҳнат тақсимоти иштирокчилари	темирчи	Дурадгор
Меҳнат маҳсули	болта	Стул
1 та болтани ясаш учун меҳнат сарфи	2 соат	12 соат
1 та стулни ясаш учун меҳнат сарфи	36 соат	6 соат
1 та стул = 3 та болта нисбатидаги айирбошлаш натижасида тежалган вақт	$36 - (3 \times 2) = 30$ соат	$(3 \times 12) - 6 = 30$ соат
Жамият томонидан тежалган умумий вақт	$30 + 30 = 60$ соат	

Жадвалдан кўринадикки, бозорда ўз меҳнат сарфлари натижаларини ўзаро айирбошлаш мақсадида темирчи ва дурадгор учрашади. Темирчи 1 та болтани 2, дурадгор эса 1 та стулни 6 соатда ясайди. Лекин агар дурадгорнинг ўзи болта ясамоқчи бўлса, у бунинг учун 12 соат вақт сарфлаши мумкин, чунки у бу борада темирчи сингари юқори меҳнат малакасига эга эмас. Бу вақт мобайнида у 2 та стул ясаши мумкин, яъни бу 6 та болтанинг қийматига тенг. Шунингдек, темирчининг ўзи ҳам стул ясамоқчи бўлса, бунинг учун унга 36 ишчи соати кетиши мумкин. Шу вақт мобайнида у 18 та болта ясаши мумкин, яъни 6 та стулнинг қийматига тенг.

Смитнинг таҳлилича, дурадгор темирчини 1 та стул учун 36 соат, темирчи эса дурадгорни 1 та болта учун 12 соат вақт сарфлаш мажбуриятдан озод қилади. Улар 1 та стулга 3 та болтани алмашганда, уларнинг ҳар бири ўз меҳнатидан тежайди, ҳар бири берган нарсасидан кўра кўпроқ олади, улар вақтни ва ўз кучларини тежайдилар. Энг муҳими эса, жамият томонидан 60 соатга тенг бўлган умумий меҳнат сарфи тежалади.

Смитнинг фикрига кўра, тежамкорликка инсонларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундайди. Тежамкорликка айирбошлаш ва меҳнат тақсимотининг ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин. Меҳнат тақсимоти орқали миллий маҳсулотни яратишда одамлар ўртасида ҳамкорлик содир бўлади. Ҳунарманд деҳқоннинг ўзи учун кийим тикиш масъулиятини ўз зиммасига олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига билвосита таъсир қилади, деҳқон ҳам, ўз навбатида, хунармандни ўзи учун дон экишдан озод қилиб, билвосита саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ёрдам беради.

Умуман олганда, меҳнат тақсимооти ва иқтисодий ихтисослашув орқали:

1) ишчилар маҳорати ошади;

2) бир меҳнат туридан иккинчисига ўтиш учун кетадиган вақт тежалади;

3) меҳнатни енгиллаштирадиган ва қисқартирадиган машиналар ихтиро қилинади;

4) меҳнат унумдорлиги кескин ошади [3].

Классиклардан яна бири Д.Рикарднинг қарашларида тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Унинг фикрича, даврлар ўтиши билан машина-ускуналар такомиллашиб боради, агрономия ривожланади, бир сўз билан айтганда, техника ривожланиши ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Меҳнат сарфини тежашдаги ушбу муваффақиятлар инсонларнинг энг зарур эҳтиёжлари учун керак бўладиган буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади.

IV. НАТИЖАЛАР

Тежамкорлик қонуни эса меҳнат жараёнидан кенгроқ доирани қамраб олади ва инсон меҳнати сингмаган, ҳали инсон қўли етмаган табиий бойликлар, иқтисодий ресурсларни тежаш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларни ҳам ўз ичига олади, дея тушунтирилади.

Вақтни тежаш қонуни иқтисодиёт назариясида атрофлича ўрганилган бўлса, тежамкорлик қонунининг мавжудлигини барча иқтисодчилар ҳам тан олавермайдилар. Биз ҳам мазкур номзодлик тадқиқотимизда ушбу иқтисодий қонунларнинг қонун сифатидаги моҳияти ва аҳамиятига тўхталишни мақсад қилиб қўймай, балки тежамкорликнинг амал қилиш механизмини тадқиқ қиламиз.

1. Ҳар қандай тежамкорликнинг иқтисодий манфаатдорликка асосланиши. Тежамкорлик – маълум мақсадга йўналтирилган инсон хатти-ҳаракатининг муайян кўриниши бўлиб, унинг асосида манфаатдорлик ётади. Тежамкорлик дастлаб алоҳида шахснинг манфаатдорлиги инъикоси сифатида намоён бўлиб, турли иқтисодий бирликлар (оила, корхона, тармоқ, жамият) доирасида турли даражаларда намоён бўлади. Масалан, алоҳида шахснинг тежамкорлиги ўзи учун энг юқори даражадаги манфаатдорлик билан боғлиқ бўлади. Оиладаги тежамкорлик асосида қон-қариндошлик алоқаларидан ташкил топган гуруҳий манфаат ётса-да, унинг ҳар бир аъзоси учун доимо ҳам бир хил даражада манфаатли, деб бўлмайди. Корхона ва тармоқ даражасида бу манфаатдорлик нисбатан янада кучсизроқ даражада намоён бўлади. Жамият миқёсидаги тежамкорликка эришиш учун турли манфаатларни ўзаро уйғунлаштира олиш зарур.

Бугунги кунда жамият миқёсида турли ресурслар тежамкорлигига амал қилиш, унга ундаш мақсадида турли чақириқлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, илгари аҳоли томонидан ичимлик суви, табиий газ, электр энергиясидан фойдаланишда тежамкорликка риоя этиш борасида турли тасвирий материаллар, оммавий ахборот воситалари орқали реклама роликлари кенг қўлланилар эди. Бироқ бундай воситаларнинг таъсир даражасини етарли,

деб бўлмасди. Кейинги йилларда бу ресурслардан фойдаланишда махсус ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши эса дарҳол манфаатдорлик ҳиссининг амал қилишини таъминлади. Шунга кўра, ҳар қандай даражадаги тежамкорликни таъминлаш учун, энг аввало, унинг ўзаро манфаатларга мувофиқлигини йўлга қўйиш ва шунга эришиш лозим.

2. Тежамга эришишнинг маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмаслиги. Тежамкорлик аниқ бир чегара, меъёрга эга бўлиши лозим. Энг аввало, тежамкорлик яратилаётган маҳсулот, бажарилаётган иш, амалга оширилаётган фаолиятнинг сифатига, унинг меъёрий ўлчамларига, технологик жиҳатдан тайёргарлик даражасига путур етказмаслиги керак. Масалан, тежамкорлик ниқоби остида маҳсулотга сарфланаётган хом ашё, материалларни етарли даражада сарфламаслик муқаррар равишда маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, тежамкорлик маҳсулотнинг техник, технологик, физикавий, моддий ресурс сарфи ва бошқа меъёрларига путур етказмаслиги зарур.

3. Тежамкорликни мақсадга мувофиқ йўналтириш мумкинлиги. Тежамкорлик қандайдир “қотиб қолган”, бир хилда ўзгармай турадиган жараён ёки хатти-ҳаракат эмас. Уни йўқ жойда ҳосил қилиш, кам жойда ривожлантириш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш мумкин. Масалан, жамият аъзолари дунёқарашларида тежамкорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида турли йўналишлардаги таъсир воситалари, чора-тадбирлар тизимидан фойдаланиш мумкин. Энг аввало, оилада, турли тарбия муассасаларида болалар онгида тежамкорликка мойилликни тарбиялаш муҳим ҳисобланади. Қолаверса, ҳар бир меҳнат жамоасида ишчи ва хизматчиларни тежамкорликка ундовчи рағбатлар, восита ва дастакларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

4. Тежамкорлик ҳиссини шакллантириш усул ва воситаларининг турлилиги. Шахс, ижтимоий-иқтисодий бирлик (оила, меҳнат жамоаси ва ҳ.к.)да тежамкорликни шакллантириш ва тарбиялашнинг турли восита ва усулларидан фойдаланиш лозим. Умуман олганда, тежамкорликни шакллантиришнинг иқтисодий ва ноиқтисодий усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий усуллар тежамкорликни моддий ва номоддий жиҳатдан рағбатлантириш, уни турли иқтисодий механизмлар орқали уйғунлаштириш сингари воситалардан таркиб топади.

Ноиқтисодий усулларга турли йўналишдаги тарбия воситалари – оиладаги тарбия, мактабгача ва мактабдаги тарбия, диний тарбия, шахсий намуна, тушунтириш, ташвиқот, тарғибот кабиларни киритиш мумкин.

5. Тежамкорликнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқлиги. Инсон ҳаётининг вақт жиҳатидан чекланганлиги унга берилган ҳаёт даврида имкон қадар кўпроқ қониқиш олишга ундайди. Шунингдек, тежамкорлик муқаррар равишда ФТТ билан ҳамоҳанг бориши лозим. Кўп ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки меҳнат жараёнидаги тежамкорлик янгилик ҳамда ихтироларни келтириб чиқаради. Масалан, телевизорни масофадан туриб бошқариш мосламаси (пульт)нинг яратилиши, одатда, телевизор ёнига бориб, унинг тугмачаларини босишга кетган вақтни тежашга қилинган ҳаракат

натижаси ҳисобланади. Ёки кўп қаватли уйларда яшовчи кишиларнинг куч-қуввати, энергияси, вақти, соғлиғини тежаш учун ҳаракат лифтнинг яратилишига олиб келди.

Ўз навбатида, фан-техника ютуғи натижасида яратилган ихтиро ёки қулайлик яна тежамкорликка имкон яратади ва ундайди. Масалан, лифтнинг пайдо бўлиши эндиликда фақат 5-6 қаватли эмас, балки 30-40 ва ундан-да кўп қаватли уйларни қуриш имконини берди. Яъни тежамкорликка интилиш ФТТнинг ривожланишига туртки бериб, унинг янги қирраларини очади. Бу эса алмашиб келувчи занжирли жараён сифатида намоён бўлади.

Белгилаб олинган тамойиллардан келиб чиқиб, тадқиқот объекти доирасида ресурслардан тежамли фойдаланиш даражасини миқдоран баҳолаш масалалари тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ресурслардан фойдаланишдаги тежамкорлик таҳлилида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш муҳим ўрин тутаяди. Бунда, энг аввало, муайян ҳудуддаги мавжуд ер майдонларининг таркибий тузилишидаги ўзгаришларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳудуддаги яроқсиз ерларга қўшимча ишлов бериш орқали уларни хўжалик оборотига киритиш даражасини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Ер ресурсларини баҳолаш учун Давлат ер кадастри томонидан аниқланган ерларни баҳолаш маълумотларидан фойдаланилади. Бу маълумотлар айрим хўжаликлар, туманлар ва вилоятлар бўйича ернинг ҳолатига қараб аниқланган бўлади.

Ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда балл тизимидан фойдаланиб, энг юқори унумдор ерни 100 балл билан белгилаб, унумдорлиги ундан паст бўлган ерлар юқоридаги баллни тегишли равишда пасайтириш орқали баҳоланади.

Ҳудуддаги ер ва сув ресурсларининг муҳофазасини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиш ҳолатини ўрганиш орқали мазкур ресурслардан фойдаланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирда сув ресурсларини ҳисоблаш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки яқингача кўпчилик минтақаларда сувдан бепул фойдаланиб келинди. Ҳар йили маҳсулот етиштириш учун жуда катта миқдорда (150 км³ га яқин) сув ресурсидан фойдаланилмоқда. Сув ресурсини аниқлашда энг қийин муаммо – бу сув нархини аниқлашдир. Сув ресурсларидан фойдаланишни баҳолашда сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг асосий фаолият кўрсаткичларининг таҳлили ҳам муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда тежамкорликка эришиш зарурати моддий ресурслар, айниқса, ишлаб чиқариш воситаларидан ҳам тежамли фойдаланишни тақозо этади. Бунинг учун таҳлил даврида корхоналардаги асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибидаги ўзгаришлар кўриб чиқилади.

Бироқ мавжуд техникалар сони ҳали уларнинг ишга яроқлилик ҳолатини аниқлаб бериб қўймайди. Шунга кўра, уларнинг ишга тайёргарлиги даражасини алоҳида кўриб чиқиш зарур бўлади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан шартли тежам (T_{ϕ}) ни ҳисоблаш тежамкорликни баҳолашнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Унга ўтган даврга нисбатан жорий даврда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда фонд самарадорлигини оширишни таъминловчи ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига эришилади ва у қуйидаги формула орқали ҳисобланиши мумкин:

$$T_{\phi} = \Phi_{\bar{y}} \times I_{\text{ям}} - \Phi_{\text{жс}} \quad (1.1)$$

бунда $\Phi_{\bar{y}}$ – ўтган даврдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик қиймати;

$I_{\text{ям}}$ – ўтган даврга нисбатан жорий даврда ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсиш индекси;

$\Phi_{\text{жс}}$ – жорий даврдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик қиймати.

Қишлоқ хўжалигида тежамкорликка эришишда асосий воситалар билан бир қаторда, материал ресурслари (уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ва органик ўғитлар, кимёвий воситалар ва ҳ.к.)дан тежамли фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди. Бунинг учун материал сарфларни пасайтиришдан олинган ($T_{\text{мсп}}$) ҳамда материал сарфлардан умумий тежам ($T_{\text{м}}$) кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$T_{\text{мсп}} = (M_1 - M_2) \times H \times MM \quad (1.2)$$

$$T_{\text{м}} = M_{\bar{y}} \times I_{\text{ям}} - M_{\text{жс}} \quad (1.3)$$

бунда M_1 – ўтган даврда (ёки тежамкорликка оид тадбир ўтказилгунга қадар) маҳсулот бирлигига муайян материал ресурси сарфи;

M_2 – жорий даврда (ёки тежамкорликка оид тадбир ўтказилгандан кейин) маҳсулот бирлигига муайян материал ресурси сарфи;

H – муайян материал ресурси бирлиги нархи;

MM – муайян даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

$M_{\bar{y}}$ – ўтган даврда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга материал сарфи;

$I_{\text{ям}}$ – ўтган даврга нисбатан жорий даврда ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсиш индекси;

$M_{\text{жс}}$ – жорий даврда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга материал сарфи.

Шунингдек, асосий маҳсулот турларини етиштириш бўйича молиявий натижаларга моддий ресурслардан фойдаланишнинг таъсирини кўриб чиқиш ҳам тежамкорлик бўйича тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Айниқса, моддий ресурслардан тежамли фойдаланишни баҳолашда уларнинг асосий маҳсулот турлари бўйича сарфининг илмий меъёрларга мувофиқлигини ўрганиш муҳимдир.

Ишлаб чиқаришдаги тежамкорликни баҳолашнинг навбатдаги босқичи мазкур соҳанинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражасини ўрганишдан иборат. Чунки тармоқда мавжуд бўлган ишчи кучи сонининг маълум меъёрлар асосида шаклланадиган, тақрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур

бўлган ишчилар сонига мувофиқ келиши мазкур ресурслардан қай даражада тежамкорлик тамойиллари асосида фойдаланилаётганлик ҳолатини тавсифловчи яққол кўрсаткичдир.

Тармоқнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражасини баҳолашда, энг муҳими, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишчилар сонини тўғри аниқлаш ҳисобланади. Чунки маъмурий-буйруқбозлик тизими тажрибасидан маълумки, банд бўлган ходимларнинг касб ва мутахассислиги жиҳатидан зарурлиги, улар бажариши лозим бўлган ишларнинг меъёр жиҳатидан тўғри белгиланмаганлиги пировардида нисбатан ортиқча ишчи кучининг ҳамда, мувофиқ равишда, яширин ишсизликнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Шунинг учун ҳам мавжуд бўлган ишчи кучининг қатор йиллар давомида меъёрга мувофиқлик даражасини баҳолаш зарур. Бунда “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари” қўлланмасидан фойдаланилади. Мазкур қўлланмада ишчи кучидан фойдаланишнинг меъёрлари қуйидаги асосий жиҳатлар бўйича алоҳида кўрсатиб берилган:

- 1 гектар экин майдони ва 1 центнер маҳсулотга белгиланган меҳнат сарфи меъёри;

- турли маҳсулдорлик даражасида бўлган чорвачиликда меҳнат сарфлари меъёри (4-илова);

- вилоят ва туманлар бўйича 1 гектар суғориладиган ер майдонига тўғри келадиган ходимларнинг чекланган сони меъёри.

Ишчи кучи сонининг амалдаги талабга мувофиқлиги мазкур масаланинг фақат миқдор жиҳатидан баҳоланиши бўлиб, бугунги кунда унинг сифат жиҳати – малака ва ихтисослик даражасининг талабга мувофиқлиги жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ишчи кучидан малака ҳамда ихтисослик бўйича мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик тежамкорлик тамойили бузилишининг энг аниқ, яққол кўринишларидан биридир.

Ишчи кучининг миқдор ва сифат жиҳатидан таркибий тузилиши таҳлил қилиниб, уларнинг мувофиқлик даражаси баҳолангандан кейин асосий эътибор ходимларнинг иш вақти фондидан фойдаланиш даражасини ўрганишга қаратилади. Чунки ишчи кучи билан миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлик ҳали улардан тежамли фойдаланишни тўлиқ англамайди.

Меҳнатга яроқли ходимларнинг йиллик иш вақтини ҳисоблашда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиш лозим.

Ишчи кучи ресурсларидан фойдаланишда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, уларнинг узоқ йиллар давомида шаклланган дунёқараши, халқимизнинг менталитети ва бошқа ижтимоий-руҳий, иқтисодий омиллар бу соҳадаги ишчи кучи ҳаракатчанлик даражасининг паст бўлишига олиб келади. Бу эса тармоқдаги ортиқча ишчи кучининг қисқартирилишига тўсқинлик қилади.

Умуман олганда, тежамкорлик даражаси нисбий кўрсаткич бўлиб, у жорий даврда эришилган натижани олдинги кўрсаткичга таққослаш орқали аниқланади.

Шу ўринда тежамкорлик коэффициентлари ишлаб чиқилиши, уларнинг мувофиқлик даражаси ўрганиб турилиши муҳим ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тежамкорлик даражасини баҳолашда қўлланилувчи коэффициентлар

Коэффициент номи	Аниқлаш усули	Шартли белгилар
Техника воситаларининг ишга тайёрлик коэффициенти (K_T)	$K_T = \frac{M_T}{M_{Ж}}$	M_T – ишга тайёр машиналар; $M_{Ж}$ – жами мавжуд машиналар.
Машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти ($K_{Ф}$)	$K_{Ф} = \frac{M_{И}}{M_{Ж}}$	$M_{И}$ – ўртача йиллик ишга қатнашган жами машиналар сони; $M_{Ж}$ – мавжуд ўртача йиллик машиналар сони.
Ишлаб чиқаришнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси коэффициенти ($K_{и.к.}$)	$K_{и.к.} = \frac{ИС_x}{ИС_{к.х.}}$	$ИС_x$ – ишлаб чиқаришда ҳақиқатда банд бўлган ишчилар сони; $ИС_{к.х.}$ – ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишчилар сони.
Ишчи кучининг ихтисослик бўйича мувофиқлиги коэффициенти (K_u)	$K_u = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (ИС_i - ИС_{mi})}{\sum_{i=1}^n ИС_i}$	$ИС_{mi}$ – муайян i -ихтисослик (касб) бўйича ишчиларнинг мавжуд сони; $ИС_i$ – i -ихтисослик (касб) бўйича ишчиларнинг зарур сони; n – мавжуд i -ихтисослик (касб)лар сони.
Ходимларнинг иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти ($K_{ИВФ}$)	$K_{ИВФ} = \frac{ИВФ_c}{ИВФ}$	$ИВФ_c$ – ходимлар томонидан сарфланган йиллик иш вақти фонди; $ИВФ$ – йил мобайнида фойдаланилиши мумкин бўлган иш вақти фонди.
Ортиқча ишчи кучининг қисқартирилиши коэффициенти ($K_{ОИК}$)	$K_{ОИК} = \frac{КИК}{ЖОИК}$	$КИК$ – жорий даврда қисқартирилган ишчи кучи сони; $ЖОИК$ – мавжуд жами ортиқча ишчи кучи сони.
Қишлоқ жойларида янги иш ўринларининг яратилиш даражаси коэффициенти ($K_{ЯИУ}$)	$K_{ЯИУ} = \frac{ЯИУ}{МИУ}$	$ЯИУ$ – жорий даврда яратилган янги иш ўринлари сони; $МИУ$ – мавжуд жами иш ўринлари сони.

V. MUHOKAMA

Бироқ тежамкорлик даражасини баҳолашда ушбу коэффициентлардан фойдаланишнинг қуйидаги хусусиятларини ҳам эътиборга олиш лозим:

- ушбу коэффициентларнинг бевосита иқтисодий ресурслардан фойдаланиш тежамкорлигини тўла ифода қила олмаслиги;
- коэффициентлардан фойдаланишда қўшимча таҳлилий жараёнларни амалга ошириш зарурлиги;

- тежамкорликни таҳлил этиш мақсад ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, кўшимча коэффициентларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш мумкинлиги ва ҳ.к.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини, бинобарин, эҳтиёжларни қондиришнинг даражасини ошириш зарурлиги иқтисодиёт олдига қуйидаги муаммоларни кўяди:

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг энг мақбул вариантларини танлаб олиш ва ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш.

2. Мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш.

3. ФТТ ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, иккиламчи ресурслар ва чиқиндилардан фойдаланишни йўлга қўйиш, янги энергия, материал, хом ашё турлари, уларнинг манбаларини топиб, ишлаб чиқаришга жалб қилиш, ресурслар унумдорлигининг ошишига эришиш.

Ресурслар тақчиллиги шароитида эҳтиёжларни қондиришнинг оқилона даражаси танлаб олинганда, кам ресурс сарфлаб, кўпроқ эҳтиёж қондирилади. Бу қоидага кўра, маҳсулот бирлигини яратиш учун кетган ресурс сарфи қисқариши шарт, акс ҳолда, эҳтиёж тўлароқ қондирилмайди. Масалан, донга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун дон ҳосилдорлигини муттасил ошириб борган ҳолда, ҳар бир тонна дон олиш учун кетган ресурс сарфини қисқартириб бориш талаб қилинади.

Хуллас, ресурслардан тежамли фойдаланиш иқтисодиётни ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказишда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун тежамкорлик тушунчасини бозор иқтисодиётининг асосий категорияларидан бири сифатида очиб бериш жуда муҳимдир.

Ресурслар тежамкорлиги тўғрисида гапиришдан аввал таъкидлаш жоизки, яқингача иқтисодиёт назарияси ва ҳўжалик амалиётида кўпинча “ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш” каби тушунчалар ишлатилиб келинди. Маъно жиҳатидан бу иборалар бир-бирларига жуда яқин бўлишига қарамай, улар ўртасида аҳамиятли тафовут мавжуд. Бу тафовутларни очиб бериш учун ҳар бир тушунчанинг қисқача моҳиятини кўриб чиқамиз.

Оқилона фойдаланиш ҳар бир ресурсларнинг истеъмол хоссалари (табiiй, кимёвий, физик ва бошқалар)дан мақсадга мувофиқ, тўғри фойдаланишни англатади. Бу тушунча ресурслардан муқобил фойдаланиш мумкинлиги натижасида келиб чиқади. Яъни бирон-бир муайян маҳсулотни яратишда турли кўриниш, сифат ёки миқдордаги ресурслардан фойдаланиш мумкин.

VI. ХУЛОСАЛАР

Бизнингча, бу ғояларни амалга оширишга илдиз отган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ўзи, у яратган ҳаракат механизмлари катта тўсиқ ва ғов бўлиб, амалда исрофгарчилик, ҳўжасизлик, талон-тарож ривож топди, “давлат мулки” тушунчаси остида “ҳеч кимники” деган муносабат шаклланди.

Хуллас, юқорида келтирилган тежамкорлик тўғрисидаги қарашларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, инсониятнинг пайдо бўлиши ва

иқтисодий фаолиятнинг такомиллашиб бориши билан тежамкорлик муаммоси ҳам вужудга келиб, бу муаммо барча иқтисодий тизимларда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Фан-техника тараққиёти натижасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши эса инсоният олдига тежамкорликни таъминловчи хўжалик юритиш шакллари излаб топиш вазифасини қўймоқда.

Кўриб чиқилган барча назариялар учун умумий хусусият шундаки, улар тежамкорликни самарали хўжалик юритиш омили сифатида эътироф этиб, у ёки бу даражада унга эришиш йўллари кўрсатиб берадилар. Шунини таъкидлаш лозимки, ана шу назариялар асосида тежамкорликнинг иқтисодий мазмунини, иқтисодиётдаги аҳамияти ва омилларини ўрганиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 1997. – Б. 46.
 2. Иқтисодиёт асослари / Қ. Ўлдошев ва бошқалар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 13.
 3. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Наука, 1996. – С. 68.
 4. Brealey R.A., Myers S.C., & Allen F. *Principles of Corporate Finance* (10th ed.). New York: McGraw-Hill. 2011
 5. Zengler T. *The Case for Diversification of Investment Sectors*. New York: Economic Press. 2004
 6. Krugman P. *Geography and Trade*. Cambridge: MIT Press. 1991
 7. Maxmudov S.B. Investitsiya faoliyatini moliyalashtirishning noan'anaviy usullarini takomillashtirish. “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnali. №5, oktyabr, 2020 yil. 2 bet
 8. Mirkhonov A.A. *Ekologik investitsiyalar va barqaror rivojlanish*. Toshkent: Iqtisodiyot. 2019
 9. North D.C. *Institutions, Institutional Change and Economic Performance*. Cambridge: Cambridge University Press. 1990
 10. Porter M.E. *The Competitive Advantage of Nations*. New York: Free Press. 1990
 11. Raxmonov B.A. *Investitsiya va innovatsiyalar*. Toshkent: Iqtisodiyot. 2017
- Rosenbaum M., & Pearl J. *Causality: Models, Reasoning, and Inference* (2nd ed.). Cambridge: Cambridge University Press. 2009